

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

3-son (4- jild)

**2024**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ 3 (4) - 2024***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматовиҷ – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўқтамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Сайдалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Кулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Файбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Сайдова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, "Tashkent International University of Education" халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тибиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехruz Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдулаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Ҳавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна - педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашурновна - педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайневна - педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибраҳимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баҳодировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Хайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна - психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### 22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;  
Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

#### 23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;  
Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

### ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” маъсулияти чекланган жамияти

#### Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).

## **МУНДАРИЖА**

### **07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

*Hamroyev Asliddin Umed o'g'li*

“GULSHANUL MULUK” (“SHOHLAR GULSHANI”) ASARI – MANG’ITLAR HUKMRONLIGI DAVRI MUARRIXLIGI NAMUNASI ..... 13-18

*Bazarbayeva Shohsanam Muratovna*

SIRDARYO VILOYATIDA VETERINARIYA SOHASIGA OID ISLOHOTLAR (XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARI) ..... 19-23

*Asadova Dilnoza Innatovna*

O’ZBEKISTONDA RAQS SAN’ATI SOHASIDA KADLAR TAYYORLASH MASALASI TARIXI VA BUGUNI ..... 24-28

*Ҳайитов Умед Яҳёевич*

ЎЗБЕКИСТОН ССР МУВАҚҚАТ ИНҚИЛОБИЙ ҚҮМИТАСИ (МАРКАЗИЙ РЕВКОМ)НИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ФАОЛИЯТИ ..... 29-34

*Омонова Сарвиноз Ориф қизи*

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ҲОЛАТИ ... 35-42

### **08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

*Алимханова Нигора Алимхановна*

ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ..... 43-52

*Mahmudova Dilafruz Hasanovna*

KORPORATIV BOSHQARUVNING AYRIM NAZARIY JIHATLARI ..... 53-60

*Toxirov Akbarxon Toirxon o'g'li*

SANOAT KORXONALARIDA IQTISODIY XAVFSIZLIKNING EKONOMETRIK

MODELLASHTIRISH ..... 61-69

*Мехмоналиев Улугбек Эркинжон угули*

СУЩНОСТЬ ОРГАНИЗАЦИИ СЛУЖБЫ ВНУТРЕННЕГО АУДИТА НА ПРЕДПРИЯТИЯХ .70-75

*Паязов Мурод Максудович*

“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АЖДА ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕТОДИКАСИ ..... 76-86

*Шадибекова Дилдор Абдурахмановна*

ЛОГИСТИЧЕСКИЙ РЫНОК УЗБЕКИСТАНА И ПРОБЛЕМЫ ЕГО РАЗВИТИЯ ..... 87-92

*Malikova Dilrabo, Khudoiberdieva Maftunabonu*

INNOVATIVE HR MANAGEMENT: NECESSITY AND METHODS OF APPLICATION ..... 93-99

*Мамажонова Одинахон Алишер қизи*

КОРХОНАЛАР БОШҚАРУВИДА ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

ЖАРАЁНЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ..... 100-106

*Nozimov Eldor Anvarovich*

ELEKTRON TIJORATNI RIVOJLANISHDA O’ZBEKİSTON VA XORİJIY DAVLATLARNING

O’RNI ..... 107-115

*Буранова Жазира Эргаш қизи*

ВЛИЯНИЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ НА ИНКЛЮЗИВНЫЙ РОСТ

ГОСУДАРСТВА ..... 116-120

<i>Худойназаров Фахритдин Хайтевич</i>	
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛарНИНГ ИҚТисодий АҲАМИЯТИ .....	121-127
<i>Бахтиёров Бобур Баходир ўғли</i>	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА БАНК ЛИКВИДЛИЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ .....	128-136
<i>Isomtdinova Gulbaxor Kurbonaliyevna</i>	
О'ЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА INVESTITSIYA RISKLARINI BOSHQARISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH .....	137-145
<i>Yuldashev Shadiyor Shuxrat o'g'li</i>	
OLIY TA'LIM O'QUV JARAYONLARIDA ZAMONAVIY VEB TEХNOLOGIYALARI INTEGRATSIYASI .....	146-150
<i>Baxtiyorov Asrorbek Azizjon o'g'li</i>	
TIJORAT BANKINING KREDIT SIYOSATI ASOSLARI, UNING IQTISODIY MOHIYATI .....	151-159
<i>Saidov Shohruh Mirzo</i>	
SOCIO-ECONOMIC ANALYSIS OF CONDITIONS OF DEVELOPMENT OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS .....	160-169
<i>Kunduzova Kumrixon Ibragimovna</i>	
IQTISODIY RIVOJLANISHNING HOZIRGI BOSQICHIDA XO'JALIK YURITUVCHI SUBYEKTLAR FAOLIYATIDAGI JORIY AKTIVLAR TUSHUNCHASI VA UNING O'RNI .....	170-177
<i>Inomjon Matkarimov</i>	
AGROKIMYO BIOCIMYO XIZMATLARI IJTIMOIY IQTISODIY SAMARADORLIGINI TA'MINLASHNING SWOT TAHLILI .....	178-183
<b>09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ</b>	
<i>G'aybullayev Otabek Muxammadiyevich</i>	
JAMIyatda ESTETIK MADANIYAT RIVOJLANISHINING FALSAFIY ASOSLARI .....	184-189
<i>Masharipova Gularam Kamilovna</i>	
МАHMUD IBN MUHAMMAD IBN UMAR AL-CHAG'MINIYNING «AL-MULAXXAS FI-L-HAY'A» RISOLASINING NUSXALARI VA QOZIZODA RUMIYNING SHARHI .....	190-198
<i>Абдуллаханова Гулбахор Саттаровна</i>	
ФИЛОСОФСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ИБН СИНО И ИХ РОЛЬ В УКРЕПЛЕНИИ ДУХОВНО- ЦЕННОСТНЫХ ОСНОВ СОВРЕМЕННОГО РАЗВИТИЯ ЦИВИЛИЗАЦИИ .....	199-206
<i>Urinov Xushnudjon Abdulomitovich</i>	
TA'LIM VA KASB-HUNAR ISLOHOTLARI GENEZISI: KASBIY FAOLIYAT VA MEHNATGA MUNOSABATNING TARIXIY SHAKLLANISHI .....	207-220
<i>Азизқулов Ақрам Абдурахмонович</i>	
ШАРҚШУНОС УИЛЬЯМ ЭРСКИН ТАДҚИҚОТЛАРИДА БОБУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ ТАРИХИННИГ ЁРИТИЛИШИ .....	221-227
<i>Kenjayev Ulug'bek Muratovich</i>	
BEFARQLIK HAQIDAGI FALSAFIY FIKRLAR RIVOJI .....	228-232
<i>G'aybullayeva Laylo Safarboyevna</i>	
MAHALLADA YOSHLAR SIYOSIY FAOLLIGINI OSHIRISHDA IJTIMOIY-FALSAFIY RIVOJLANISH MASALALARI .....	233-238

<i>Xo'janova Tamara Jo'raevna</i>	
YOSHLAR MA'NAVIYATIGA TAHDID VA ULARDAN O'ZINI ONGLI HIMOYA QILISH KO'NIKMALARI .....	239-245
<i>Jabborova Saodat Sattorovna</i>	
MA'NAVIY SALOHIYATNING IJTIMOIY TARAQQIYOT MANBAI SIFATIDA XUSUSIYATLARI .....	246-252
<i>Xusanov G'olib Elmurodovich</i>	
O'ZBEK OILALARINING RIVOJLANISHIDA AXLOQIY TAFAKKUR MASALALARI .....	253-257
<i>Аззамходжаева Шахноза Сайдматмабовна</i>	
МУСУЛЬМАНСКОЕ БОГОСЛОВИЕ, СВЯЩЕННЫЙ КОРАН И ТВОРЧЕСТВО НАВОИ В КОНТЕКСТЕ ФИЛОСОФСКОЙ КОМПАРАТИВИСТИКИ .....	258-265
<i>O'rakov Bobir Baxtiyorovich</i>	
IJTIMOIY DAVLATNING NAZARIY VA METODOLOGIK ASOSLARI: VUJUDGA KELISH SHARTLARI, BELGILARI VA FUNKSIYALARI .....	266-270
<i>Qunishev Ulug'bek Ulashevich</i>	
NEMIS KLASSIK FALSAFASIDA JAMIYAT RIVOJLANISHIGA TA'SIR ETUVCHI AXLOQIY VA ESTETIK OMILLAR .....	271-275
<i>Турдибоев Бозор Худойбердиевич</i>	
ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ТАРИХИЙ ЯХЛИТЛИК НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ СИФАТИДА .....	276-282
<i>Kenjayeva Dilrabo Rominovna</i>	
MARKAZIY OSIYO MUTAFAKKIRLARI TA'LIMOTIDA O'ZLIKNI ANGLASH TUSHUNCHASI VA UNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI .....	283-287
<i>Azamatova Gulrukha Islom qizi</i>	
SOCIOCULTURAL ASPECTS IN KARL POPPER'S PHILOSOPHY IN THE CONTEXT OF MODERN EDUCATION .....	288-293
<i>Toшпулатова Ширин Мухиддиновна</i>	
ЭТИЧЕСКИЕ ОРИЕНТИРЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГРАЖДАНСКОЙ СЛУЖБЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН .....	294-302
<i>Yuldasheva Dilorom Yuldashevna</i>	
SCIENTIFIC ATTITUDE TO CONSCIOUSNESS AND ITS INFLUENCE ON THE FIELD OF EDUCATION .....	303-307
<i>Bekchanov Xudoybergan O'rinvich, Yusupova Firuza Hajiboy qizi, Yulliyeva Sohiba Shuhrat qizi</i>	
MAKTABGACHA YOSHDAGI KATTA GURUH TARBIYALANUVCHILARDA IJTIMOIY VA КОММУНИКАТИВ QOBILYATNING RIVOJLANISHI .....	308-314
<b>10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b>	
<i>Ткебучава Ирина Георгиевна</i>	
ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ФОРМИРОВАНИЯ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ СТУДЕНТОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ .....	315-320
<i>Ikromxonova Firuza Ikromovna, Jazira Nusrultanqizi</i>	
TIPOLOGIK TAHLIL - KOMPOZITSIYA VA JANR (TARIXIY ASARLAR MISOLIDA) .....	321-327

<i>Ashurova Maftuna Asqar qizi</i>	
LINGUACULTURAL PECULIARITIES OF THE CONCEPT “HAPPINESS” IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES .....	328-334
<i>Mustafayeva Saodat Burxanovna</i>	
SALIM ASHUR SHE’RLARIDA LINGVOMADANIY BIRLIKLER VOSITASIDA VOQELIKNI BADIY TALQIN ETISH .....	335-340
<i>Abdulxayeva Nodirabegim Ixtiyorjon qizi</i>	
DRAMATIK ASARLARNI TARJIMA QILISHDA LEKSIK-SEMANTIK, LINGVOKULTUROLOGIK MASALALAR .....	341-346
<i>Xajiyeva Dilfuza Adambayevna</i>	
FOLKLOR VOSITALARINING ZAMONAVIY ADABIYOTDAGI O’RNI VA O’RGANILISHI .....	347-351
<i>Jumanova Sevara Xolmurod qizi</i>	
KIYIM KECHAK NOMLARI TILNING BOYISH MANBAI SIFATIDA .....	352-356
<i>Hojaliyev Ismail Tadjibayevich, Ismailova Sayyora Tolkinovna</i>	
MATN NAZARIYASINING SHAKLLANISHI .....	357-366
<i>Abdullaev Ulmasbek Khairullayevich</i>	
LITERARY WORKS AS THE MOST IMPORTANT AND WELL-ACCLAIMED COMPONENTS OF THE CULTURAL HERITAGE OF THE NATION .....	367-370
<i>Maxmudova Fotima Maqsud qizi</i>	
TYPES OF MEDIA TEXT LANGUAGE .....	371-375
<i>Maxmudova Zuhra Maqsud qizi</i>	
BADIY TARJIMANING TILSHUNOSLIK DAGI AHAMIYATI .....	376-380
<i>Davronova Zulfiya Boboyevna</i>	
UZBEK- FRENCH RELATIONS AS A BINDING PART OF INTERNATIONAL CULTURAL AND HISTORICAL EXPERIENCE .....	381-386
<i>Hakimova Dilrabo Yo’ldoshovna</i>	
TERMINOLOGIYA SOHASINING TARIXI VA DOLZARB MUAMMOLARI XUSUSIDA .....	387-392
<i>Мадрахимов Тулибай Абдукаrimovich</i>	
СЎЗЛАШУВ НУТҚИННИНГ ТИЛ ФУНКЦИОНАЛ ВАРИАНТЛАРИ ОРАСИДА ТУТГАН ЎРНИ .....	393-395
<b>12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР</b>	
<i>Ergashev Ikrom Abdurasulovich</i>	
SOLIQ INTIZOMINI BUZISH BILAN BOG’LIQ HUQUQBUZARLIKLER UCHUN JAVOBGARLIKNING AYRIM JIHATLARINING ILMIY-NAZARIY TAHLILI .....	396-402
<i>Куатбек Гулнар Куатбековна</i>	
ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ТРАНСПАРЕНТНОСТИ ПРЕДСТАВИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ МЕСТНОЙ ВЛАСТИ .....	403-409
<i>Jurayev Dilmurot Mukhtarovich</i>	
ANALYSIS OF THE LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ON ALTERNATIVE RESOLUTION OF DISPUTES ARISING FROM ADMINISTRATIVE AND PUBLIC LEGAL RELATIONS .....	410-415

*Mirakhmedova Fazilat Khokim kizi*

CRIMES OF MANUFACTURING AND SELLING PHARMACEUTICALS IN A WAY TO DANGER THE LIVES AND HEALTH OF INDIVIDUALS (Evaluation of Türkiye and Uzbekistan legal system) ..... 416-428

*Касимов Нодиржон Содикжонович*

ҚАСДДАН ОДАМ ЎЛДИРИШ ЖИНОЯТЛАРИНИГ УМУМИЙ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ..... 429-438

*Кутыбаева Елизавета Дуйсенбаевна, Есенбаев Джанибек Таирович*

ЭКОЛОГИК ТУСДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ..... 439-445

*Джалилов Сардор Шавкатович*

ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ КОДИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ ..... 446-453

### **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

*Mirzayev Qodir Toirovich*

ZAMONAVIY XOR SAN'ATI TA'LIMINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI ..... 454-458

*Васильченко Ольга Анатольевна*

ИСТОРИЯ И МЕТОДОЛОГИЯ РАЗВИТИЯ ВОКАЛЬНО-ХОРОВОГО ИСКУССТВА В УЗБЕКИСТАНЕ ..... 459-463

*Эрназаров Алишер Эргашевич, Бекмурадов Зариф Хуррамович*

ҮҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИГ МОДУЛЛИ ВА ЛОЙИҲАЛАШТИРИЛГАН ТУРЛАРИ ҲАМДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ..... 464-470

*Mattiyeva Feruza Begmatdulobovna*

TARJIMONLIK MALAKASINI SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLINGVISTIK VA DIDAKTIK XUSUSIYATLARI ..... 471-477

*Jurayev Bobomurod Tojiyevich*

ABU ALI IBN SINO QARASHALARIDA TA'LIM-TARBIYA MASALALARI ..... 478-482

*Umurova Ma'rifat Yoshiyevna*

XALQ QO'SHIQLARI VATANPARVARLIK TUYG'USINI RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA ..... 483-486

*Raxmanova Dildora Abdulkamid qizi*

INGLIZ TILIDA AKADEMİK YOZUV TUSHUNCHASI VA UNING TALABALAR ILMIY FAOILIYATIDAGI AHAMIYATI ..... 487-492

*Rajabiy Aziz Xasanovich*

VOKAL ARTISTI FAOLIYATIDA SAHNA MAHORATINING O'RNI ..... 493-497

*Omanov Rashid Sherqobilovich*

O'QUVCHILARDA EKOLOGIK TAFAKKURNI SHAKLLANTIRISH JARAYONLARINI TO'G'RI TASHKIL ETISH ..... 498-501

*Салимов Акром Хайитович*

БЎЛАЖАК ҮҚИТУВЧИЛАРДА ОИЛА, МАҲАЛЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ..... 502-507

*Mamatmurodov Sharofjon Khudoyarovich*

TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNING O'RNI ..... 508-514

<i>Ли Екатерина Владимировна</i>	
СИНЭРГЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ИННОВАЦИЙ И ИННОВАЦИОННОЙ	
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ .....	515-523
<i>Ахмедова Нафиса Исаходжаева, Азаматов Абдулло Исахўжаса ўғли, Лутфуллина Румия</i>	
<i>Анваровна</i>	
ЁШ ТЕННИСЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА	
ХАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ .....	524-533
<i>Очилова Мехрибон Суратовна, Хамроева Феруза Асроровна</i>	
АНАЛИЗ СОВРЕМЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ПЛАТФОРМ И ИХ	
КЛАССИФИКАЦИЯ .....	534-541
<i>Amonov Mirjon Namozovich</i>	
IJTIMOIY PEDAGOGIK FAOLIYAT VA UNING ASOSIY FUNKSIYALARI .....	542-547
<i>Sharipov Habibullo Abduqahhorovich</i>	
TALABALARNING IJODKORLIGINI RIVOJLANTIRISHDA MUSTAQIL TA'LIMNING O'RNI VA	
AHAMİYATI .....	548-552
<i>Yaxiyaxonova Muxiba Maxmudjonovna</i>	
RAQAMLI TA'LIM MUHITIDA BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINING IT SAVODXONLIGINI	
OSHIRISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH .....	553-560
<i>Xakimova Gulshan Abdusalilovna</i>	
JISMONIY TARBIYA VOSITALARI ORQALI YOSH BOLALARNI SIFATLARINI	
TARBIYALASH .....	561-565
<i>Nazarov Rustam Irkinovich</i>	
TECHNOLOGY FOR DEVELOPING COMMUNICATIVE COMPETENCE OF STUDENTS IN HIGHER	
TECHNICAL EDUCATION FIELDS (IN THE EXAMPLE OF ENGLISH LANGUAGE) .....	566-570
<i>Muqimova Fotima Abduqaxor qizi, Muqimova Zuxra Abduqahor qizi</i>	
CHIZMACHILIK DARSLARIDA O'QUVCHILARNING GRAFIK SAVODXONLIGINI	
RIVOJLANTIRISHDA O'YINLI TEXNOLOGIYALADAN FOYDALANISHNING	
AFZALLIKLARI .....	571-576
<i>Sulaymanova Dildora Nazarovna, Giyasova Shaxnoza Abdurafikovna</i>	
BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING KREATIV TAFAKKURINI LOYIHAGA ASOSLANGAN O'QITISH	
VOSITASIDA RIVOJLANTIRISH MODELI .....	577-585
<i>Usmonova Matluba Nosirovna</i>	
O'QUVCHILARDA MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLARNI TARBIYALASH	
METODIKASINING KREATIV PEDAGOGIK YONDASHUVI .....	586-590
<i>Ustaev Abdurazzoq Qurbanovich</i>	
MILLIY KURASH SPORT TURINING FUNKSIYALARI VA MAQSADGA ERISHISHDAGI	
VOSITALARI .....	591-596
<i>Shoimqulova Nigina Xolmurodovna, Yadigarova Sitora Bahromovna</i>	
ADDRESSING CHALLENGES IN TEACHING ENGLISH IN CENTRAL ASIAN COUNTRIES: A	
SCHOLARLY EXAMINATION .....	597-603
<i>Yeshanov Marat Urazaliyevich</i>	
INGLIZ TILINI O'QITISHDA BO'LAJAK CHET TILI O'QITUVCHILARINING KOMMUNIKATIV	
KOMPETENSIYASINI TAKOMILLASHTIRISHDA PRAGMATIKANING AHAMIYATI	
LANGUAGE) .....	604-616

<i>Tursunova Shahnoza Bekchanovna</i>	
JAMOATCHILIK FIKRINI SHAKLLANTIRISHDA JAMOATCHILIK BILAN ALOQALARNING O'R NATISH .....	617-622
<i>Atoyeva Gulshoda Rabimovna</i>	
OILADAGI ZO' RAVONLIKNING O'SMIR XULQIGA PSIXOLOGIK TA'SIRI .....	623-628
<i>Musinova Ruxshona Yunusovna, Qurbanova Aziza Davlat qizi</i>	
JABRLANUVCHI SINDROMI, UNING ASOSIY SABABLARI VA BELGILARI .....	629-635
<i>Jamolova Mokhigul Bakhtiyorovna</i>	
METHODS OF DEVELOPING THE CRITICAL THINKING ABILITY OF PRIMARY CLASS STUDENTS THROUGH FAIRY TALES .....	636-641

**Бахтиёров Бобур Баходир ўғли**  
ЎзМУ, "Молия ва кредит кафедраси" в.б. доценти, и.ф.д.(DSc)  
E-mail: [bobur.baxtiyorov91@mail.ru](mailto:bobur.baxtiyorov91@mail.ru)

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА БАНК ЛИКВИДЛИЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада тижорат банклари ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали уларнинг ликвидлигини бошқаришнинг илмий-услубий асослари таҳлил қилинган. Жумладан, банк ресурсларини бошқариш амалиётининг кенг жаҳон амалиётида кенг тарқалган усуулларининг моҳияти ёритилган.

**Калит сўзлар:** тижорат банклари, молиявий ресурс, банк активлари, ликвидлилик, молиявий хизматлар, кредит, Марказий банқдаги резервлар, нақд пуллар, корреспондентлик ҳисобидаги маблағлар, кредит муассасалари, ликвидликни бошқариш.

---

**Bakhtiyorov Babur Bakhodir oglı**  
UzSU, "Department of Finance and Credit" etc. associate professor, DSc)

## **METHODOLOGICAL BASIS FOR USING THE RESOURCES OF COMMERCIAL BANKS AND MANAGING BANK LIQUIDITY**

**Abstract.** The article analyzes the scientific and methodological foundations for managing the liquidity of commercial banks by increasing the efficiency of using their resources. In particular, the essence of banking resource management methods, which are widely used in world practice, is highlighted.

**Key words:** commercial banks, financial resources, bank assets, liquidity, financial services, credit, reserves in the Central Bank, cash, funds in correspondent accounts, credit institutions, liquidity management.

---

**Бахтиёров Бабур Баходир угли**  
УзГУ, «Кафедра финансов и кредита» и др. доцент, Д.Э.Н. (DSc)

## **МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ РЕСУРСОВ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ И УПРАВЛЕНИЯ БАНКОВСКОЙ ЛИКВИДНОСТЬЮ**

**Аннотация.** В статье анализируются научно-методические основы управления ликвидностью коммерческих банков путем повышения эффективности использования их ресурсов. В частности, освещена сущность методов управления банковскими ресурсами, которые широко используются в мировой практике.

**Ключевые слова:** коммерческие банки, финансовые ресурсы, активы банка, ликвидность, финансовые услуги, кредит, резервы в ЦБ, денежные средства, средства на корреспондентских счетах, кредитные организации, управление ликвидностью.

---

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI1Y2024N17>

**Кириш.** Аксарият тараққий этган мамлакатлар амалиётида йирик тижорат банкларининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози натижасида ликвидлилик рискига

дучор бўлганлиги ва тўлов қобилиятини йўқотганлиги тижорат банклари фаолиятини янада такомиллаштиришда уларнинг ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш заруриятини юзага келтирди. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, бозор муносабатларига ўтиш даврида, ҳар қандай мамлакат иқтисодиётидаги бекарорлик, иқтисодий жараёнларда кучли тебранишлар вужудга келиши ва бунинг оқибатида тижорат банкларини юқори риск билан фаолият юритишга тўғри келади. Тижорат банклари иқтисодиётда локомотивлик вазифасини бажаар экан, уларнинг ликвидилик ва тўлов қобилиятини таъминлашда мамлакатда банкларнинг молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш амалиётини шакллантириш устувор вазифалардан бири сифатида баҳоланиши керак. Банкларнинг барқарорлигини таъминлаш бозор механизмлари мустаҳкам ва мукаммал бўлган иқтисодиётда ҳам долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади банклар фаолиятини такомиллаштириш орқали уларни ликвидилилиги ва даромадлилигига эришиш, тижорат банкларининг депозитлари ҳажмини ошириш орқали банкларнинг ресурс базасини кенгайтириш, республика аҳолисининг турмуш даражаси ва фаровонлиги ўсишини таъминлаш мақсадида жозибадор депозит турларини ишлаб чиқиш орқали маблағлар жалб қилиш ҳамда уларни бозор қонуниятлари асосида тақсимлаш самарадорлигини ошириш, тижорат банкларининг ресурс базасини уларнинг капиталлашув даражаси ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш банклар олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади** тижорат банклари ресурсларидан фойдаланиш амалиёти самарадорлигини ошириш орқали улар ликвидилигини бошқаришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот методлари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гуруҳлаш каби усуслардан фойдаланилган.

**Илмий муаммонинг қўйилиши.** Тижорат банклари ресурслари ва уларни бошқариш масалаларининг айрим назарий, услубий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар – Г.Белоглазова, Д.Мак Нотон, И.Бланк, К.Кэмпбелл, Л.Падалкина, М.Ямпольский, О.Лаврушин, О.Макарова, Р.Коттер, Р.Кэмпбелл, Э.Долан, Э.Гилл, Э.Рид, Э.Родэ, Ю.Савинскийларнинг[1] илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Банк ресурслари шаклланишининг баъзи жиҳатлари маҳаллий иқтисодчи олимлар – А.Вахабов, Б.Бабаев, Д.Ғозибеков, М.Шарифхўжаев, Н.Каримов, Н.Ҳайдаров, О.Олимжонов, Т.Қоралиев, Т.Маликов, У.Розукулов ва Ш.Абдуллаеваларнинг[2] илмий ишларида тадқиқ этилган.

Шунингдек, иқтисодий адабиётда Ўзбекистон тижорат банклари ресурсларини шакллантириш, бошқариш, иқтисодий чегараланиш масалалари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан яхлит, комплекс тарзда илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган

**Асосий натижалар.** Тижорат банкларининг ресурсларидан фойдаланиш ва уларни бошқариш бевосита банкнинг ликвидилигини бошқариш амалиётида ўз аксини топади. Ташкилий жиҳатдан, тижорат банкларининг ресурсларини бошқариш банк балансининг алоҳида гуруҳлари ва моддаларининг тегишли кўрсаткичларга риоя этилишини талаб этади. Бунда таҳлил этилаётган кўрсаткичлар ички ва ташқи кўрсаткичлар гурухига ажратилади:[3]

Ташки кўрсаткичлар – Марказий банк томонидан амал қилаётган қонунчиликка асосан ўрнатилади. Улар давлат тижорат банклар фаолиятини давлат томонидан бошқариш шаклида намоён бўлади.

Ички кўрсаткичлар эса, банк барқарорлигини таъминловчи умумий нисбатларни аниқлаб беради.

Кўрсатилган кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, тижорат банклари ресурсларидан самарали фойдаланишда ва ликвидликни бошқаришда бир қанча омилларнинг таъмирини инобатга олиш зарур. Уларни қуйидаги тўрт гурухга ажратиш мумкин:[4]

- банк мижози фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқувчи тасодифий ва фавқулодда омиллар;
- ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга тааллуқли мавсумий омиллар;
- иш фаоллигини ҳаракатлантирувчи даврий омиллар;
- фан-техника тараққиёти, инвестицион жараёнлар ва истеъмолнинг силжишига боғлиқ бўлган узоқ муддатли омиллар.

Тижорат банклар учун ҳам, аҳолига молиявий хизматлар кўрсатувчи бошқа ташкилотлар каби, ликвидликнинг умумий асоси бўлиб, молиявий ресурслардан самарали фойдаланишини таъминлаш ҳисобланади. Жумладан, тижорат банкларининг мижозлар маблағларини ишлатиш хусусияти ликвидликни таъминлашга ундайди. Фойданинг максималлашуви маблағларни сақлаш эмас, балки актив операцияларни талаб қиласи. Ўз навбатида, касса ва вакиллик ҳисоб рақамидаги қолдиқни минималлаштиришга олиб келгани учун мижозлар олдидаги мажбуриятга хавф-хатар туғдиради. Демак, банк ликвидилигини бошқариш – умумий мажбурият ва ликвидлик даражасига кескин ва чамбарчас боғлиқ.

Ликвидликни бошқаришнинг мақсадли функцияси шундан иборатки, тижорат банк ўрнатилган иқтисодий нормативларга мажбурий риоя қилиш билан бирга фойдани максималлаштиришга эриши керак. Ликвидлилик банкнинг рентабеллиги билан чамбарчас боғлиқ. Банкнинг ликвидлиги қанчалик юқори бўлса, даромад паст бўлади. Бунинг сабаби, энг ликвид активлар (Марказий банкдаги резервлар, нақд пуллар, корреспондентлик ҳисобидаги маблағлар) минимал даромад келтиради ва юқори даромадли (узоқ муддатли қимматли қоғозларга бўлган инвестициялар, узоқ муддатли кредитлар) – паст ликвидлиликка эга.[3]

Банклар ликвидлилик ва рентабеллик ўртасидаги зиддиятни бартараф этиш учун ликвидлилик бошқарувини амалга оширадилар. Бунинг учун улар мижозларнинг нақд пул талабини қондириш ва шу билан биргалиқда банкнинг даромадлигини сақлаб қолиш мақсадида бир қатор чора-тадбирларни ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар. Банклар мақбул ликвидлилик даражасини сақлаб туришга ҳаракат қиласидилар, чунки жуда юқори ликвидлилик банкнинг даромадлигига салбий таъсир

кўрсатиши мумкин. Шундай қилиб, ликвидлилик ва рентабеллик ўртасидаги мувозанатни сақлаб туришга ҳаракат қилинади.

Тижорат банклари учун муваффақиятли фаолият юритиш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва банк ликвидлилигини тўғри баҳолаш муҳим масалалардир. Банклар ўз мажбуриятларини, жумладан, депозитларни қайтариш ва тўловларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш учун барқарор ликвидлилик даражасига эга бўлишлари зарур. Шу сабабли, банк менежменти доирасида ликвидлилик масаласи асосий вазифалардан биридир. Банк ресурслари ва ликвидлилигини самарали бошқариш, барқарор банк фаолиятини таъминлашнинг муҳим омилларидан саналади. Бу борада банк раҳбарияти алоҳида эътибор қаратиши ва тегишли чора-тадбирларни кўриши талаб этилади.

Ликвидлилик кредит муассасаси томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда ҳисоб-китоб қила олиш имкониятини англатади[3]. Банклар учун молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Банклар молиявий воситачилик вазифасини бажариши натижасида, уларнинг ликвидлилик даражаси энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Бу кўрсаткич банкнинг жорий ҳолатини баҳолаш билан бирга, унинг истиқболдаги фаолиятини ҳам белгилаб беради.

Тижорат банклари томонидан ликвидлилиkkка алоҳида эътибор қаратилишининг яна бир сабаби, Марказий банк томонидан ўрнатилган қатъий талаб ва меъёрлардир. Агар бу талаблар бажарилмаса, банкка нисбатан жиддий санкциялар қўлланилиши мумкин. Шунинг учун ҳам банклар ўз ликвидлилигини доимий равишда назорат қилиб боришлини ва белгиланган меъёрларга риоя қилишлари талаб этилади. Бундан ташқари, ресурсларни самарали бошқариш орқали ликвидлилик даражасини таъминлаш ҳам муҳим вазифалардан саналади.

Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари доирасида белгиланган терминологияга мувофиқ, реал ва шартли мажбуриятлар молиявий воситалардан фойдаланишни, яъни бир корхона пул активини ёки пул мажбуриятини ёки бошқа корхона капиталини пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай контрактдан келиб чиқадиган операциялардан келиб чиқсан пул ва бошқа мажбуриятлардир.[5]

Банк мажбуриятлари ҳақиқий ва шартли турларга бўлинади. Ҳақиқий мажбуриятлар банк балансида депозитлар, муддатли омонатлар, жалб қилинган банклараро қарзлар ва кредиторлик қарзлари кўринишида акс эттирилади. Улар депозитлар, банклараро кредитлар, чиқарилган қимматли қофозлар каби ҳақиқий маблағлар билан боғлиқ мажбуриятлардир.

Шартли мажбуриятлар эса банк томонидан берилган кафолатлар, мижозларга очилган кредит линиялари ва шунга ўхшаш мажбуриятлардир. Улар баланс ҳисобларида акс эттирилмайди, лекин муайян шароитларда амалга ошиши мумкин.

Тижорат банкининг ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва ликвидлилиги даражаси ички ва ташқи омилларга боғлиқ бўлади. Ички омиллар банк ички жараёнлари, ресурслар тузилмаси ва бошқаруви билан боғлиқ. Ташқи омиллар эса иқтисодий ҳолат, қонунчилик ўзгаришлари ва бошқа ташқи шароитлар билан алоқадор.

Ички омиллар қўйидагилардан иборат:[6]

- банк активларининг сифати;

- жалб қилинган маблағларнинг сифати;
- активлар ва мажбуриятларнинг муддатлари бўйича мослиги;
- банкнинг бошқаруви ва имиджи.

Кучли капитал базаси, ўз капиталининг мутлақ қийматининг мавжудлигини англатади. Банк капиталининг асосий қисми банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида турли мақсадлар учун мўлжалланган қонуний ва бошқа фонdlардан иборат. Банкнинг ўз капитали қанчалик катта бўлса, унинг ликвидлиги даражаси унга мос равища барқарор бўлади.

Банкнинг ликвидлигига ва унинг эгалигидаги молиявий ресурсларидан самарали фойдаланишига таъсир қилувчи омиллардан яна бири, бу унинг активларининг сифати ҳисобланади.

Ташқи омиллар қўйидагилардан иборат:[7]

- мамлакатдаги умумий сиёсий ва иқтисодий вазият;
- қимматли қоғозлар бозори ва банклараро бозорини ривожлантириш;
- марказий банк томонидан тижорат банкларни молиялаштириш тизимини;
- марказий банкнинг назорат функцияларининг самарадорлиги.

Мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий вазият банк тизими фаолиятининг асосий омилларидан биридир. Барқарор сиёсий ва иқтисодий муҳит банк операцияларини ривожлантириш, банклар фаолиятининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, инвесторларнинг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратади.

Бундай шароитлар мавжуд бўлмаганида, банклар барқарор депозит базасини шакллантириш, операциялар рентабеллигини таъминлаш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, активлар сифатини ошириш каби вазифаларни бажаришда қийинчиликларга дуч келади.

Қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши эса банкларга ресурсларни тезкор ва рентабеллик даражасини пасайтирган ҳолда ликвидликни таъминлаш имконини беради. Бу жараён қўплаб хорижий мамлакатларда банклар ресурсларини тезкор нақд пулга айлантиришнинг энг яхши ва қулай усулидир.

Шундай қилиб, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик билан бирга қимматли қоғозлар бозори ривожланганлиги банк тизими фаолиятининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Банклараро бозордаги ривожланиш банкларнинг вақтинча бўш пул маблағларини тақсимлашига, тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашга ёрдам беради. Марказий банкнинг қайта молиялаш тизими ҳам тижорат банклари учун муҳим омилдир. Бу ҳолда ресурсларни тўлдириш манбаи Марказий банк бўлиб, у орқали тижорат банкларининг ликвидлиги таъминланади.[8]

Ўзбекистонда банк ресурсларини бошқариш учун турли молиявий воситалар яратилмоқда. Бу тижорат банкларига ўз ликвидлигини мустақил равища тартибга солиш имконини бермоқда. Ресурс базаси муддатлар бўйича мувофиқлаштирилган ва банклар ликвидлилик йўқотиш хавфини бошқариш тизимини жорий қилган.

Шу билан бирга, айрим салбий ўзгаришлар ҳам мавжуд. Жумладан, кредит сиёсатидаги қатъийлик, валюта хатарининг ошиши, қисқа муддатли банклараро

кредитлар ҳисобига узоқ муддатли активларни молиялаштириш каби муаммолар мавжуд.

Бугунги қийинчиликларга жавобан, тижорат банкларининг ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва банк ликвидлилигини бошқаришнинг такомиллаштирилган усулларини яратиш зарур.

Бу банк бошқарувига ва молия бозорини тартибга солувчи органларга алоҳида банклар ва бутун банк тизимининг ликвидлилигини тўғри баҳолаш имконини беради. Шунингдек, ликвидлиликни доимий мониторинг ва назорат қилиш имконини яратади.

Тадқиқотларимиз қўрсатишича, тижорат банклари ресурсларидан самарали фойдаланиш ва банклар ликвидлилигини бошқаришда асосан қўйидаги усуллардан фойдаланилади:[3]

- "банк ресурсларининг умумий фонди" усули;
- "банк ресурслари конверсияси" усули;
- "илмий бошқарув" усули;
- Марказий банк томонидан сўнгги босқичда кредитлаш усули.

Тижорат банкларида "банк ресурсларининг умумий фонди" усули банкнинг барча бўш пул маблағларини ягона молиявий фондга жамлаш ва кейинчалик уларни банк активлари операцияларини молиялаштиришга йўналтиришни назарда тутади.


Бу усулда алоҳида операциялар учун ликвидлилик ва рентабеллик нисбатларидан ташқари, бошқа чекловлар ўрнатилмайди. Банкнинг барча бўлинмалари ушбу умумий фонддан операцияларни молиялаштириш манбаи сифатида фойдаланишлари мумкин.

"Банк ресурсларининг умумий фонди" усулининг афзалликлари қўйидагилардан иборат:

Усулни амалга ошириш методологиясининг соддалиги, яъни ресурсларни жалб қилиш ва жойлаштиришнинг қўшимча шартлари йўқлиги;

Бошқарув қарорларини тезкор қабул қилиш имкони (оралиқ бошқарув босқичлари мавжуд эмаслиги).

Шу тариқа, "банк ресурсларининг умумий фонди" усули барча бўш ресурсларни марказлаштирилган ҳолда бошқаришга имкон беради.




1-расм. Тижорат банклари ресурсларидан самарали фойдаланиш ва банк ликвидлилигини бошқаришнинг “Банк ресурсларининг умумий фонди усули”[3]

- даромад келтирмайдиган активларнинг кўпайиши хавфининг йўқлиги, яъни банк ихтиёридаги маблағлар банк хизматлари бозорининг бирор-бир сегментида талаб пайдо бўлиши билан дарҳол жойлаштирилиши мумкинлиги.

Аммо “банк ресурсларининг умумий фонди” усулида тижорат банклари томонидан жалб қилинган маблағлари ва уларини жойлаштириш муддатларининг мос келмаслиги натижасида банкнинг жорий ликвидлилигининг таъминланмаслик хавфи даражаси юқори бўлади.

Банк ликвидлилигини бошқаришнинг иккинчи усули сифатида “банк ресурслари конверсияси” усулини таклиф этиш мумкин.

Ушбу усулда тижорат банклари томонидан молиявий ресурсларни жалб қилиш ҳамда уларни жойлаштириш муддатларини қатъий мувофиқлаштирилишини назарда тутади (2-расмга қаранг). Шунинг учун банклар учта асосий, яъни узоқ муддатли (12 ойдан ортиқ бўлган муддат), ўрта муддатли (3 ойдан 12 ойгача бўлган муддат) ва қисқа муддатли (3 ойгача бўлган муддат) операциялари фондни ташкил қилади.



2-расм. Банк ресурслари конверсияси усули ёрдамида ликвидлиликни бошқариш[3]

Биринчи фондга банк капиталининг фойдаланилмаган қисми ва узоқ муддатга жалб қилинган маблағлар йўналтирилади. Жалб қилинган маблағларнинг қолган қисми эса мос равишда иккинчи ва учинчи фондлар ўртасида тақсимланади. Шунга мос тарзда актив операциялар амалга оширилади.

Бунда ҳар бир фонд орқали ўтадиган молиявий оқимлар ҳаракати ликвидлиликни бошқариш департаменти таркибидаги маҳсус бўлинма томонидан режалаштирилади ва назорат қилинади.

“Банк ресурслари конверсияси” усули ёрдамида банкнинг жалб қилинган ва жойлаштирилган молиявий ресурслари муддатларини мувофиқлаштириш ҳисобига жорий ликвидлилик таъминланади, банкнинг активлари таркиби ва унинг базавий элементларини узоқ муддатли режалаштириш имконияти вужудга келади.

Тижорат банкларининг ресурсларидан самарали фойдаланиш ва банк ликвидлилигини бошқаришнинг навбатдаги усули “илмий бошқарув” усули ҳисобланади. Ушбу усулда банклар томонидан молиявий ресурслар оқимларининг ҳаракатини бошқаришда информацион технологиялардан кенг кўламда фойдаланилади. Бунинг учун маҳсус математик моделлар ва улар асосида пассив ва актив операцияларни мувофиқлаштириш учун яратилган дастурлардан фойдаланилади. Илмий бошқарув усулида кредит муассасаси молиявий стратегияси ва

банк хизматлари бозорининг тегишли сегментларида жорий ҳолат ҳисобга олинган тарзда, бошқарувнинг кўп қиррали қарорларини ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Илмий бошқарув усулининг устувор жиҳатлари сифатида қуидагиларни келтиришимиз мумкин: [3]

- банк фаолиятида замонавий информацион технологиялардан амалий фойдаланиш. Замонавий информацион технологиялар банк фаолиятида нафақат тегишли операцияларни амалга оширишни тезлаштиради, балки бошқарувнинг янги сифатини таъминлайди. Чунки компьютерга вазиятли параметрлар ва муқобил сценарийлар шунчалик кўп миқдорда киритиладики, уларни анъанавий усулларда кўриб чиқиш амалий жиҳатдан мумкин эмас;

- бошқарув қарорларини шакллантиришнинг тезкорлиги.

**Хулоса ва таклифлар.** Молиявий-иктисодий инқизот ва нобарқарор ташқи муҳит шароитларида йирик банклар ўз ликвидилигини бошқаришда илмий усуллардан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Улар молиявий кучга эга бўлиб, шунингдек, кичик тузилмаларга очиқ бўлмаган иктисодий ва сиёсий маълумотлардан фойдаланишлари мумкин.

Банк ресурсларини бошқаришнинг амалиётда кенг қўлланиладиган усулларидан бири банклараро кредитлар назариясидир. Бунда банклар Марказий банк ёки бошқа банклардан ликвидиликни тўғрилаш мақсадида қарз олишлари мумкин. Бу жараён "ҳисоб ойнаси" деб ҳам аталади ва Марказий банк назоратида олиб борилади.

Банклараро кредитлар бевосита музокаралар орқали ёки молиявий воситачилар иштирокида олиниши мумкин. Муносабатлар маҳсус шартномалар билан расмийлаштирилади. Шартномалар муддатли ва муддатсиз бўлиши мумкин. Барқарор бўлмаган шароитда кредит ресурслари етишмаслиги ёки ортиқчалиги кузатилиши эҳтимоли юқори.

Муддатсиз шартномалар остида кредит қисқа муддатга берилади ва ушбу муддат тугагач, кредитор исталган вақтда қарзни қайтаришни талаб қилиши мумкин. Шундай ҳолатларда банк бошқа муддатли қарзлардан фойдаланади. Ресурслар жалб қилиниши воситачилар орқали амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, банкларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун ресурслар бошқарилаётганда хизматлар бозори таҳлили муҳим ҳисобланади. Бунда банклар манфаатли шартлар, янги маҳсулотлар ва хизматлар турларини таклиф қилиши, шунингдек, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаши керак бўлади.

### Литература/Адабиётлар/References:

- Долан Э. Дж., и др. Деньги, банковские дела и денежно кредитная политика. Пер. с англ. -Москва/Ленинград: 1991. – 446 с. Нотон Д. М. Банковские учреждение в развивающихся странах. Пер. с англ. В 2-х т. -Вашингтон, Д.С.: Всемирный банк, 1994. Т.1. – 323 с. Родэ Э.М. Банки, биржи, валюты современного капитализма.-М.: Финансы и статистика, 1986. – 358 с.
- Вахабов А.В., Худяков Н.К. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. В 2-х т. -Ташкент: Университет, 2003. Т.1. -276 с.; Бабаев Б.Б. Вопросы формирование ресурсов коммерческих банков и их эффективное использование. Автореферат диссертации на соиск уч. степ. к.э.н. -Ташкент: БФА. 2002.-21 с.; Фозибеков Д.Ф. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари.-Ташкент: «Молия»,

- 2003.-332 б.; Каримов Н.Ф. Банк тизими барқарорлигида ташқи назорат ва аудитнинг аҳамияти. //Бозор, пул ва кредит. 2006. - №1. -Б. 19-20; Ҳайдаров Н. Молия 1-қисм. – Тошкент: Академия, 2001. -185 б.; Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молиявий менежмент. –Тошкент: Академия, 1999. -254 б.; Карабаев Т.М., и др. Хозяйственный расчет в системе коммерческих банков. –Ташкент: Узбытцентр, 1991. -64 с.; Маликов Т.С. Молиявий қарор қабул қилиш асослари. –Тошкент: Академия, 1996. -158 б.; Розуқулов У.У. Анализ надежности коммерческих банков и пути укрепления их устойчивости. Автореферат докторской диссертации на соиск. учен. степ. к.э.н. –Ташкент: БФА, 2002. -21 с.; Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. –Тошкент: Иқтисод-молия, 2007. -344 б.
3. Алавердов А.Р. Стратегический менеджмент в коммерческом банке. – М.: Маркет ДС, 2007 -576 с.
  4. Питер С.Роуз Банковский менеджмент. Пер. с анг. со 2-го изд. – М.: Дело, 1997.- 477 с.
  5. Горячева Е. А., Минаков В. Ф., Барабанова М. И. Модель управления ликвидностью при контроле Банком России в режиме реального времени // Экономика, статистика и информатика. Вестник УМО. 2013. № 4. С. 166-170
  6. Банковский менеджмент: Учебник/коллектив авторов; под ред. Д.Э.Н., проф. О.И. Лаврушина – 4-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2015, – с. 218
  7. Евстратов Р. М. Место финансовых рисков в системе предпринимательских рисков коммерческих организаций // Вектор науки Тольяттинского государственного университета. Серия: Экономика и управление. 2013. № 3 (14). С. 38-41
  8. Макшанова Т. В. Развитие нормативно-правового регулирования рынка деривативов в России // Экономика и социум. 2013. № 1 (6). С. 452-458

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ 3 (4) – 2024***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масьулияти чекланган жамияти**

**Таҳририят манзили:**  
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).